

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2023 йил сентябрь ойининг 4 кuni жиноят ишлари бўйича Ангрэн шаҳар суди, Ангрэн шаҳар “Облик” маҳалласи фуқаролар йиғини маҳалласида, очик сайёр суд мажлисида, раислик қилувчи судья Р.Рахимжонов, суд мажлиси баённомасини юритувчи – судья ёрдамчиси Ш.Хамзалиевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Ангрэн шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Н.Рўзметов, айбланувчи Ш.А.Латипов ҳамда унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи “SBM CITIZEN PROTECT” адвокатлик бюросининг адвокати Ф.Болтаев, жабрланувчи Д.Муталимова, Ф.Валиханова, Н.Азимиддинхонова, М.Латипова, жабрланувчи Д.Мирахмедованинг қонуний вакили С.Мирахмедова, жабрланувчи мархум Э.Кукановнинг қонуний вакили Ю.Куканов, жабрланувчи Р.Хасанхонованинг қонуний вакили А.Валиханов, фуқаровий даъвогар С.Саймурсалов, Ў.Иномалиевларнинг иштирокида, Латипов Шарофиддин Асомудиновичга нисбатан 1-1104-2301/367-сонли жиноят иши кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Латипов Шарофиддин Асомудинович (LATIPOV SHAROFIDDIN ASOMUDINOVICH) - 1979 йил 5 июнь кuni Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, муқаддам судланмаган, оилали, 3 нафар фарзанди бор, маълумоти олий, “Тўлқин Акром ўғли” жомеъ масжиди имом ноиби вазифасида ишлайди, депутатликка сайланмаган, давлат мукофотлари олмаган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, “Элпарвар” м.ф.й., генерал Гофуров-2 кўчаси, 352-уйда истиқомат қилувчи, эҳтиёт чораси сифатида “гаров” қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарни кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилиларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи Латипов Шарофиддин Асомудинович транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш жиноятини қуйидаги ҳолатда содир этганликда айбланади.

Жумладан, у 2023 йил 29 май кuni соат тахминан 12:30 ларда, “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 12-бандига зид равишда, “Транспорт воситасини йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид соладиган даражадаги чарчоқлик ҳолатида”, ўзига тегишли, давлат рақами 01M810NB бўлган, “Спарк”



русумли автомашинасини “А-373-М-39”-сонли Тошкент-Ўш автомобиль йўли бўйлаб, Тошкент шаҳри йўналишида бошқариб, ушбу йўлнинг Ангрен шаҳар Оҳангарон кўчаси №174-километрида жойлашган №42219-сонли ҳарбий қисм қаршисига етган вақти, ушбу Қоидаларнинг 4-банди: “Йўл ҳаракати қатнашчилари бошқа йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳаракатланишига хавф туғдирмасликлари керак”; 77-банди: “Ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши керак. Тезлик ҳайдовчига ушбу Қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш имкониятини бериши керак. Ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятидаги хавф юзага келса, у транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхташни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф туғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриши керак”лиги белгиланган бўлса-да, ушбу қоидаларни кўпол равишда бузиб, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминламасдан, жиноий бепарволик билан, ухлаб қолиши натижасида Қоиданинг 1.1-бандига асосан чизилган ётиқ узлуксиз сидирға чизикни кесиб, қарама-қарши йўналишга чиқиб кетиб, Ўш шаҳри йўналишида ҳаракатланиб келаётган 1985 й.т. Иномалиев Уткур Раҳманалиевичнинг бошқарувидаги, давлат рақами 10Т491UA бўлган, “Isuzu” русумли автобус билан тўқнашиб, йўл транспорт ҳодисасини содир этган.

Натижада, ушбу “Автобус” автомашина ҳайдовчиси У.Иномалиев ҳамда унинг автомашинасида йўловчи ўриндиғида йўловчиси сифатида кетаётган, 1981 й.т Муталиева Дилноза Фарходович, 2022 й.т Хасанхонова Розияхон Акрам қизи, 1988 й.т Куканов Элмурод Юлдашевич, 1990 й.т Валихонова Фароғат Ибрагимовна, 2011 й.т Мирахмедова Дурдона Аваз қизи, 2001 й.т Саймурсалов Суннатиллохон Ойбек ўғли, 1980 й.т Азимиддинова Нодира Норхўжаевналар олган тан жароҳати билан шаҳар Марказий шифохонасига мурожаат қилган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 15.06.2023 йилдаги №724-сонли хулосасига кўра, Ў.Р.Иномалиевда бош мия ёпиқ жароҳати, бош энса соҳаси лат еган яраси, кўкрак қафаси лат ейиши ва ўнг томонлама 7-қовурға ёпиқ синиши каби оғирлик даражасига кўра ўртача оғирликдаги тан жароҳатлари аниқланган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 13.06.2023 йилдаги №714-сонли хулосасига кўра, Д.Ф.Муталимовада кўкрак қафаси чапда 5-қовурға суяги ёпиқ синиши каби оғирлик даражасига кўра ўртача оғирликдаги тан жароҳатлари аниқланган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 13.06.2023 йилдаги №713-сонли хулосасига кўра, Р.А.Хасанхоновада бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, бош теппа соҳасида эпидурал гематома, бош тепа соҳаси



суяклари ёпиқ синиши каби оғирлик даражасига кўра ҳаёт учун хавфли бўлган оғир тан жароҳатлари аниқланган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 13.06.2023 йилдаги №712-сонли хулосасига кўра, Ф.И.Валихановада бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқаклиши, ияк ости чап соҳасида, чап елка юқори учлиги ташқи юзасида, чап тизза бўғими олд юзасида қонталашлар, чап тизза бўғими олд юзасида шилинмалар каби оғирлик даражасига кўра соғлиқни қисқа муддатга бузулишига олиб келган энгил тан жароҳатлари аниқланган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 13.06.2023 йилдаги №711-сонли хулосасига кўра, Н.Н.Азимиддинхоновада бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқаклиши, чап билак юқори учлиги ташқи юзасида қонталаш, бош энса соҳасида шиш каби оғирлик даражасига кўра соғлиқни қисқа муддатга бузулишига олиб келган энгил тан жароҳатлари аниқланган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 01.06.2023 йилдаги №656-сонли хулосасига кўра, С.О.Саймурсалов ўнг оёқ 1-2 бармоқлар асос фалангаларида шилинмалар каби оғирлик даражасига кўра соғлиқнинг қисқа муддатга бузулишига олиб келмайдиган энгил тан жароҳатлари аниқланган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 01.06.2023 йилдаги №661-сонли хулосасига кўра, Д.А.Мирахмедованинг танасида кўкрак қафаси орқа юзаси 4-5 бел умуртқалари соҳасида шилинмалар каби оғирлик даражасига кўра соғлиқнинг қисқа муддатга бузулишига олиб келмайдиган энгил тан жароҳатлари аниқланган.

Судга оид тиббиёт экспертизасининг 17.06.2023 йилдаги №84-сонли хулосасига кўра, Э.Ю.Куканов тириклигида ўткир юрак ишемик касаллиги, юрак чап қоринча орқа девори миокард инфаркти, юрак қоринчаларининг мушакларининг гипертрофияси ва бўшлиқларининг делятатсияси, тож томирлар ва йирик қон томирлар склерози, икки томонлама бронхорневмония, кифозкалиоз, талваса синдроми каби касалликлар билан хасталанганлиги, унинг ўлимига ўткир юрак ишемик касаллиги натижасида ривожланган юрак чап қоринча орқа девори миокарт инфаркти асорати ўткир юрак етишмаслиги сабаб бўлганлиги, бу микраскопик ва суд-гистологик текширув натижалари билан ўз исботини топганлиги, бирламчи мурда ўзгаришларига кўра, ўлим вақти экспертиза бошлангунга қадар 6 соатдан кўп, 12 соатдан кўп бўлмаган вақт оралиғини ташкил қилиши, марҳум Э.Ю.Кукановнинг чап курак соҳасида ишлинмалар аниқланганлиги, ушбу жароҳатлар касалхонага тушишидан олдин қаттиқ-ўтмас жисм таъсиридан олинган бўлиб, тирик шахсларда соғлиқнинг қисқа муддатга бузулишига олиб келмайдиган энгил тан жароҳатлари тоифасига кириши ва Э.Ю.Кукановнинг ўлими билан тўғридан-тўғри боғлиқлиги йўқлиги аниқланган.

Ўтказилган судга оид транспорт-трассологик ва автотехника экспертизанинг 08.06.2023 йилдаги 306-сонли хулосасига кўра, тўқнашувнинг дастлабки вақтида Спарк русумли автомашинасининг чап олд бурчаги Исузу русумли автобуснинг чап томонига текканлиги ва бу вақтда



уларнинг бўйлама ўқлари орасидаги бурчак 175+5 даража атрофида бўлганлиги, тўқнашув вақтида Спарк русумли автомашинаси ва Исузу русумли автобус ҳаракатда бўлганлиги, тўқнашув ЙТХ чизмасида келтирилган тўқилмалар ўрни жойлашган жой атрофида содир этилганлиги, йўл ҳодисаси шароитида ҳаракатга хавф пайдо бўлганидан ҳайдовчи воқеа жойида 50 км/соат тезликда ҳаракатланган Исузу автомашинасини ўз вақтида тўхтатиб қолиш йўли билан воқеани олдини олиб қолиш учун техник имкониятга эга бўлмаганлиги, Спарк автомашинаси ҳайдовчисининг ҳаракатлари “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 4-банди талабларига зид бўлиб, ҳодисанинг келиб чиқиши билан сабабий боғланишда бўлганлиги, “Йўл ҳаракати қоидалари” нинг 77-банди 3-қисми талабларига мувофиқ ҳаракатланиш вақтида ҳайдовчи аниқлай олиши имкониятида хавф юзага келса, транспорт воситасининг тезлигини у тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириш ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашчилари учун хавф тўғдирмаган ҳолда айланиб ўтиш чораларини кўриш кераклиги, Исузу автомобили ҳайдовчисининг ҳаракатлари “Йўл ҳаракати қоидалар”нинг 77-банди 3-қисми талабларига зид бўлмаганлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида сўралган Латипов Шарофиддин Асомудинович ўз айбига тўлиқ иқдор бўлиб, судга ариза билан мурожаат қилиб, унда у жабрланувчилар билан ярашганлигини, улардан кечирим сўраганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарларни тўлиқ қоплаганлигини билдириб, жабрланувчилар билан ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўралган Д.Муталимова судга ариза билан мурожаат қилиб, айбланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ярашганлигини, етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлигини, айбланувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасини қўллаб, жиноий жавобгарликдан озод қилишни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўралган Ф.Валиханова, судга ариза билан мурожаат қилиб, айбланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ярашганлигини, етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлигини, айбланувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасини қўллаб, жиноий жавобгарликдан озод қилишни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўралган Н.Азимиддинхонова, судга ариза билан мурожаат қилиб, айбланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ярашганлигини, етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлигини, айбланувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасини қўллаб, жиноий жавобгарликдан озод қилишни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар тариқасида сўралган Ў.Иномалиев, судга ариза билан мурожаат қилиб, айбланувчига



нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ярашганлигини, етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлигини, айбланувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасини қўллаб, жиноий жавобгарликдан озод қилишни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўралган М.Латипова, судга ариза билан мурожаат қилиб, айбланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ярашганлигини, етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлигини, айбланувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасини қўллаб, жиноий жавобгарликдан озод қилишни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи Д.Мирахмедованинг қонуний вакили С.Мирахмедова судга ариза билан мурожаат қилиб, айбланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ярашганлигини, етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлигини, айбланувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасини қўллаб, жиноий жавобгарликдан озод қилишни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи Р.Хасанхонованинг қонуний вакили А.Валиханов, судга ариза билан мурожаат қилиб, айбланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ярашганлигини, етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлигини, айбланувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасини қўллаб, жиноий жавобгарликдан озод қилишни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчининг қонуний вакили Ю.Куканов, судга ариза билан мурожаат қилиб, айбланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ярашганлигини, етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлигини, айбланувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасини қўллаб, жиноий жавобгарликдан озод қилишни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида фуқаровий даъвогар тариқасида сўралган С.Саймурсалов судга ариза билан мурожаат қилиб, айбланувчига нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, улар ўзаро ярашганлигини, етказилган моддий ва маънавий зарар тўлиқ қопланганлигини, айбланувчига нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасини қўллаб, жиноий жавобгарликдан озод қилишни сўраб кўрсатув берди.

Суд томонидан жабрланувчи Д.Муталимова, Ф.Валиханова, Н.Азимиддинхонова, М.Латипова, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар Ў.Иномалиев, жабрланувчи Д.Мирахмедованинг қонуний вакили С.Мирахмедова, жабрланувчи мархум Э.Кукановнинг қонуний вакили Ю.Куканов, жабрланувчи Р.Хасанхонованинг қонуний вакили И.Валиханов, фуқаровий даъвогар С.Саймурсаловларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси талаблари тушунтирилди.

Суд, Латипов Шарофиддин Асомудиновични айбига тўлиқ иқрорлигини, чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчиларни унга нисбатан даъвоси йўқлигини ва улар ўзаро ярашганликларини, иш бўйича



етказилган моддий ва маънавий зарар қопланганлигини эътиборга олиб, Латипов Шарофиддин Асомудиновични Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши ва жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатилишини лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 21.05.2004 йилдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 6-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 585, 586-моддаларини қўллаб, суд ажрим қилади,

А Ж Р И М :

Латипов Шарофиддин Асомудинович (LATIPOV SHAROFIDDIN ASOMUDINOVICH)га нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддаси 1-қисми билан кўзғатилган жиноят иши томонларнинг ярашганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан ҳаракатдан тугатилсин.

Жабрланувчи Д.Муталимова, Ф.Валиханова, Н.Азимиддинхонова, М.Латипова, жабрланувчи ва фуқаровий даъвогар Ў.Иномалиев, жабрланувчи Д.Мирахмедованинг қонуний вакили С.Мирахмедова, жабрланувчи мархум Э.Кукановнинг қонуний вакили Ю.Куканов, жабрланувчи Р.Хасанхонованинг қонуний вакили И.Валиханов, фуқаровий даъвогар С.Саймурсаловларга Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасига асосан мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотганлиги тушунтирилсин.

Латипов Шарофиддин Асомудиновичга нисбатан қўлланилган “гаров” тарзидаги эҳтиёт чораси бекор қилинсин, 2023 йил 18 июлдаги қвитанцияга асосан Тошкент вилояти ИИБ ҳузуридаги Тергов бошқармасининг 21506000200447886012 МФО: 00014 ИНН: 200541951 ҳисоб рақамига гаров тариқасида топширилган 6.600.000 сўм миқдоридаги гаров пули Ш.Латиповга қайтарилсин.

Ажримдан норози томонлар йигирма суткалик муддат ичида шу суд орқали Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига хусусий тартибида шикоят ёки хусусий протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

(имзо)

Р.Рахимжонов

Ажрим нусхаси аслига тўғри:

